

ЎЗБЕКИСТОНДА “СОЛИҚ СЕРВИС” ФАОЛИЯТИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИ

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a30](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a30)

*Солиева Гулбахор Ахмаджановна -  
Наманган муҳандислик-технология  
институту PhD*

*Махмудов Шохрухмирзо Назиржон ўғли -  
Наманган муҳандислик-технология  
институту магистранти*

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги кунда Ўзбекистонда “Солиқ-сервис” фаолиятининг ривожланиши, унинг хусусиятлари, ҳуқуқий асослари ёритилиб, солиқлар орқали тартибга солиш моҳияти, солиқ механизмнинг ҳозирги шароитдаги таъсири, солиқлар орқали тартибга солишнинг иқтисодий жараёнларга таъсир этиш омиллари таҳлили келтирилган ва ушбу фаолиятни янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, солиқ маслаҳати, солиқ тизими, солиқ маслаҳатчиси, солиқ хизмати, солиқ органи, солиқ тўловчи, солиқ-сервис.

## РАЗВИТИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ «НАЛОГОВОГО СЕРВИСА» В УЗБЕКИСТАНЕ

*Солиева Гулбахор Ахмаджановна -  
Наманганский инженерно-технологический  
институт PhD*

*Махмудов Шохрухмирзо Назирджон угли -  
Наманганский инженерно-технологический  
институт магистрант*

**Аннотация.** В статье описывается современное развитие налоговой службы в Узбекистане, ее особенности, правовая база, сущность налогового регулирования, влияние налогового механизма в сложившейся ситуации, анализ факторов, влияющих на экономические процессы посредством налогового регулирования, и даются рекомендации по дальнейшее развитие.

**Ключевые слова:** налог, налоговое консультирование, налоговая система, налоговый консультант, налоговая служба, налоговый орган, налогоплательщик, налоговый сервис.

## DEVELOPMENT OF THE TAX SERVICE IN UZBEKISTAN

*Solieva Gulbakhor Akhmadjonovna -  
Namangan Institute of Engineering  
and Technology PhD*

*Makhmudov Shohrukhmirzo Nazirjon ugli -  
Namangan Institute of Engineering and  
Technology master's degree*

**Abstract.** The article describes the modern development of the tax service in Uzbekistan, its features, the legal framework, the essence of tax regulation, the impact of the tax mechanism in the current situation, the analysis of factors influencing economic processes through tax regulation, and provides recommendations for further development.

**Keywords:** tax, tax consulting, tax system, tax consultant, tax service, tax authority, taxpayer

**Кириш.** Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш, солиқ ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-

коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тас-

диқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [1] ПФ-6079-сонли фармони қабул қилиниб, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан, электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга кўра, электрон ҳукумат доирасида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун барча давлат органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига улаган ҳолда ушбу тармоқни ривожлантириш; мамлакатимиз ҳудудида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, ҳимоя қилиш ва электрон давлат хизматларининг фойдаланувчанлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш; давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш ва электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида “хизмат сифатида дастурий таъминот”, “хизмат сифатида платформа”, “хизмат сифатида инфратузилма” технологияларини кенг жорий этиш каби вазифалар белгиланган.

Ҳақиқатдан ҳам, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш жараёни бевосита жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш ҳамда уларда кўтарилган масалаларнинг ижобий ечими билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис фуқаролар ва тадбиркорлар томонидан соҳага оид билдирилган мурожаатлар узлуксиз равишда қабул қилиниб, уларда кўтарилган масалалар аниқ, қонуний ва тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Шу билан бирга, солиқ идораларига келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилиш орқали ҳам тизим фаолиятида тадбиркорларга янада яқиндан ёрдам беришга оид таклифлар ишлаб чиқишга имкон беради.

#### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.**

Машҳур рус олимларидан Н.Н.Башкирова, Е.Б.Сугрובה ўзларининг “Солиқ маслаҳати асослари” китобида Россияда солиқ маслаҳатининг шаклланиши, ривожланиши ва тартибга солиниш бошқичларининг умумий тавсифини беришган, методологик асослар ва тамойиллар батафсил кўриб чиқилган. Солиқ маслаҳати, шунингдек, солиқ маслаҳатчиларининг касбий этикаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш йўллари ҳақида баён этилган [2].

Машҳур иқтисодчи G.Rose ўзининг “Солиқ маслаҳати ва фан” номли мақоласида бўлажак солиқ ислоҳоти шароитида солиқ маслаҳати хизматларига талаб кескин ошади, чунки янги ҳуқуқий нормалар кучга киргунга қадар ёки ундан кейин қандайдир қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида кўпинча савол туғилади. Бундай маслаҳатдан солиқ тўловчининг шахсий фойдаси аниқ бўлиши ғоясини илгари сурган [3].

Хориж мамлакатлари иқтисодчи олимларининг солиқ маъмуриятчилигида солиқ хизматларини жорий қилишга доир фикрлари. В.Андреева томонидан солиқ тўловчилар томонидан солиқ интизомига риоя қилинмаслик сабаблари тадқиқ қилинган, солиққа оид билимларни оширишга оид усуллари таҳлил қилиниб, солиқ тўловчиларга давлат ҳамкори сифатида хизматни такомиллаштириш усуллари таклиф қилинган [4].

Рус иқтисодчиси ва сиёсатчиси М.Мишустиннинг сўзларига кўра, тўлиқ рақамлаштиришдан сўнг солиқ маъмуриятчилиги учун “мослашувчан платформа” яратилади, у фақат рақамли маълумотлар манбалари ва солиқ тўловчиларнинг рақамли идентификациялари билан ишлайди, реал вақт режимида ва ўрнатилган солиқ қонунчилигига риоя қилади [5].

Савчук фикрича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ, хизмат кўрсатиш бўлим фаолиятининг асоси бўлган, хизматнинг асосий мақсади АҚШ солиқ тўловчиларига юқори сифатли хизматлар тақдим этишдир. Солиқ мажбуриятларини аниқлаштириш ва амалга оширишга ёрдам бериш шунингдек, солиқ қонунчилигини тўғри ва адолатли қўллаш зарурлиги бу орқали амалга оширилиши мумкин. Шундай қилиб, ички даромадлар фаолияти хизмати, биринчи навбатда, улар билан ўзаро муносабатларга қаратилган солиқ тўловчилар, улар билан ҳамкорликка боғлиқ [6].

Ўзбек иқтисодчи олимларидан и.ф.н С.Элмирзаевнинг ишида солиқ маслаҳатчилиги бўйича Германия тажрибасининг иқтисодиётдаги ва солиқ тизимидаги аҳамиятли жиҳатлари, шунингдек, улардан миллий иқсодиётимизда фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган [7].

З.Ахроров солиқ орқали тартибга солиш – бюджетга солиқ тушумларини таъминлаш ва шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектларнинг фойданинг бир қисмини қайта тақсимлаш орқали саноат корхоналарининг инновацион ва инвестицион фаолиятларини


рағбатлантириш эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, солиқ тизимида сервис соҳасини ривожлантириш лозим, деб ҳисоблайди [8].

**Тадқиқот методологияси.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самардорлигини таъминлаш солиқ тизимида мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда солиқ қонунчилигига илғор хорижий тажрибаларни жорий этишни тақозо этади. Мақолада абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик кузатув, маълумотларни гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Юқоридаги хориж тажрибаси шуни кўрсатдики, мамлакатимиз солиқ тизимида ҳам “Солиқ-сервис” фаолиятини йўлга қўйиш зарурлиги ойдинлашди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони ҳамда 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [9] 3182-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида “Солиқ-сервис” давлат унитар корхонаси ўзининг ҳудудий марказлари билан биргаликда ташкил қилинди. “Солиқ-сервис” ДУК фаолиятини ташкил этиш-

дан кўзланган асосий мақсад давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг ҳақиқий бизнес-ҳамкори ва маслаҳатчиси бўлишини таъминлаш, ҳар қандай бизнес-режани тузишдан олдин солиқ органларидан керакли маслаҳат олишлари учун барча имкониятларни яратишга қаратилгандир. Корхона фаолиятини йўлга қўйишда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди ва биз учун мос келувчи жиҳатлар олинди. Жумладан, электрон солиқ хизматларини яратиш, яъни “Soliq.servis.uz” сайти ва Махсус мобил иловалар ишлаб чиқилди ва электрон солиқ маъмурияти хизматларидан фойдаланиш қулайлиги вужудга келди.

“Солиқ-сервис” – ҳисобварақ-фактураларни (варақалар, ишончномалар) электрон шаклда тузиш ва уларни миждозлар ва ҳамкорлар билан алмашиш имконини берадиган тизим. Тизимга кирилади ва рақамли имзо орқали рўйхатдан ўтилиб, электрон ҳисоб-фактура расмийлаштирилади, электрон рақамли имзо орқали тасдиқланади. Электрон ҳисобварақ-фактуралар алмашинуви ваколатли ташкилотлар томонидан – электрон ҳужжат айланиши операторлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизими орқали амалга оширилади [10]. “Солиқ-сервис” ДУК ходимлари томонидан қуйидаги хизматлар кўрсатилади (1-расм):



**1-расм. “Солиқ-сервис” ДУК ходимлари томонидан кўрсатилган хизмат турлари**

**Манба:** *Servis.soliq.uz sayti maълумотлари.*

## MOLIYA VA SOLIQLAR

“Солиқ-сервис” ДУК марказлари фаолияти Тошкент вилоятининг туман ва шаҳар давлат солиқ инспекцияларида ҳам иш бошлаган. Бугунги кунда биргина ушбу вилоятда жорий йилнинг ўтган даври давомида 502 нафар жисмоний ва юридик шахсларга амалий-услубий ёрдамлар кўрсатилди. Бевосита жойларда

ташкил этилган 22 та семинарда 6,5 мингдан зиёд солиқ тўловчи қатнашди ҳамда солиқ тизими мутахассислари томонидан саволларга жавоблар берилди [11].

Ўтган 2021 йил давомида “Солиқ-сервис” ДУК томонидан 1318272 та хизматлар кўрсатилди (1-жадвал).

1-жадвал

### 2021 йилда вилоятлар кесимида “Солиқ-сервис” ДУКлари томонидан кўрсатилган хизматлар сони

| Т/р   | Худудлар номи        | Жами кўрсатилган хизматлар |              | шундан                               |           |                 |             |                      |             |   |             |   |          |
|-------|----------------------|----------------------------|--------------|--------------------------------------|-----------|-----------------|-------------|----------------------|-------------|---|-------------|---|----------|
|       |                      |                            |              | Компьютер хизматлари ва техник ёрдам |           | Ахборот хизмати |             | Интерактив хизматлар |             | Электрон солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва юбориш |             | Юридик ва жисмоний шахсларнинг ёзма мурожаатларига (ёзма) |          |
|       |                      |                            |              | сони                                 | суммаси   | сони            | суммаси     | сони                 | суммаси     | сони  | суммаси     | сони  | суммаси  |
| 1     | 2                    | 3                          | 4            | 5                                    | 6         | 7               | 8           | 9                    | 10          | 11  | 12          | 13  | 14       |
| 1     | Қорақалпоғистон Рес. | 23 094                     | 644 139,0    | 4 416                                | 8 276,7   | 8 278           | 28 588,1    | 2 173                | 59 412,4    | 8 220   | 546 661,8   | 7   | 1 200,0  |
| 2     | Андижон вилояти      | 93 298                     | 621 933,8    | 26 059                               | 54 550,4  | 51 913          | 259 437,1   | 12 218               | 216 597,9   | 3 106   | 91 003,4    | 2   | 345,0    |
| 3     | Бухоро вилояти       | 116 964                    | 1 239 282,4  | 30 326                               | 60 200,0  | 55 211          | 262 680,4   | 22 591               | 518 633,1   | 8 830   | 395 968,9   | 6   | 1 800,0  |
| 4     | Жиззах вилояти       | 81 709                     | 834 648,8    | 18 402                               | 39 131,4  | 47 900          | 226 660,9   | 10 469               | 266 406,0   | 4 937   | 302 150,5   | 1   | 300,0    |
| 5     | Қашқадарё вилояти    | 84 361                     | 899 124,7    | 8 435                                | 14 640,0  | 45 115          | 209 189,2   | 16 181               | 287 437,8   | 14 630  | 387 857,7   | 0   | 0,0      |
| 6     | Навоний вилояти      | 51 421                     | 681 135,4    | 10 386                               | 21 158,0  | 26 064          | 89 389,0    | 8 899                | 185 218,4   | 6 061   | 384 390,0   | 11  | 980,0    |
| 7     | Наманган вилояти     | 91 380                     | 670 404,7    | 15 816                               | 22 669,6  | 53 373          | 250 543,8   | 14 097               | 233 347,8   | 8 094   | 163 843,5   | 0   | 0,0      |
| 8     | Самарқанд вилояти    | 130 093                    | 1 088 639,3  | 28 527                               | 50 399,2  | 75 071          | 344 076,3   | 20 278               | 444 115,0   | 6 167   | 237 013,9   | 50  | 13 034,9 |
| 9     | Сурхондарё вилояти   | 114 978                    | 737 305,9    | 55 797                               | 80 717,5  | 37 641          | 180 252,1   | 13 383               | 305 046,3   | 8 154   | 168 790,0   | 4   | 2 500,0  |
| 10    | Сирдарё вилояти      | 49 301                     | 597 652,0    | 12 956                               | 18 710,2  | 21 220          | 73 287,0    | 7 110                | 159 550,0   | 8 011   | 345 454,8   | 4   | 650,0    |
| 11    | Тошкент вилояти      | 152 031                    | 1 243 502,7  | 54 427                               | 105 971,8 | 64 933          | 358 111,0   | 22 321               | 510 804,7   | 10 350  | 268 615,2   | 0   | 0,0      |
| 12    | Фарғона вилояти      | 93 637                     | 933 244,3    | 14 790                               | 31 020,8  | 48 448          | 232 178,6   | 20 296               | 468 106,8   | 10 102  | 201 638,1   | 1   | 300,0    |
| 13    | Хоразм вилояти       | 85 509                     | 1 092 728,0  | 16 338                               | 36 216,9  | 43 433          | 278 581,4   | 16 060               | 533 639,4   | 9 678   | 244 290,3   | 0   | 0,0      |
| 14    | Тошкент шаҳри        | 150 496                    | 1 659 170,6  | 43 751                               | 95 553,6  | 74 311          | 214 758,0   | 29 794               | 1 263 334,0 | 2 639   | 85 285,0    | 1   | 240,0    |
| ЖАМИ: |                      | 1 318 272                  | 12 942 911,6 | 340 425                              | 639 216,0 | 652 911         | 3 007 732,9 | 215 870              | 5 451 649,6 | 108 979   | 3 822 963,1 | 87  | 21 349,9 |

*Манба: Servis.soliq.uz sayti maълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.*

Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 12942,9 млн. сўмлик 1318272 та хизматлар кўрсатилган бўлиб, шундан 91380 та хизматлар Наманган вилоятига тўғри келади. Жумладан: компьютер хизматлари ва техник ёрдам учун – 15816 та, ахборот хизмати учун – 53373 та, интерактив хизматлар – 14097 та, электрон солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва юбориш бўйича – 8094 та. Кўриниб турибдики, Наманган вилоятида ахборот хизматига бўлган талаб бошқа хизматларга нисбатан 58,4 %ни ташкил қилмоқда. Самарқанд вилоятида эса 130093 та хизматлар кўрсатилди. Жумладан: компьютер хизматлари ва техник ёрдам учун

– 28527 та, ахборот хизмати учун – 75071 та, интерактив хизматлар учун – 20278 та, электрон солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва юбориш бўйича – 6167 та, юридик ва жисмоний шахсларнинг ёзма мурожаатларига эса 50 та. Кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида ахборот хизматига бўлган талаб бошқа хизматларга нисбатан 57,7 %ни ташкил қилмоқда. Тошкент шаҳрида эса 150496 та хизматлар кўрсатилди. Жумладан: компьютер хизматлари ва техник ёрдам учун – 43751 та, ахборот хизмати учун – 74311 та, интерактив хизматлар учун – 29794 та, электрон солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва юбориш бўйича – 2639 та,

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ёзма му- рожаатларига эса 1 та.

Кўриниб турибдики, Тошкент шахрида ахборот хизматида бўлган талаб бошқа хиз- матларга нисбатан 49,3 %ни ташкил қилмоқ- да. Демак, иқтисодийнинг барча тармоқлари- да рақамлаштириш ва ахборот алмашинуви соҳасида олиб борилаётган ишлар ўз натижа- сини бермоқда. Солиқ-сервис ДУК томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг 652911 таси- ни ёки 49,5 %ини ахборот хизмати ташкил қилмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Ҳозирда мамла- катда фаол давлат сиёсати олиб борилмоқда, бу эса мамлакат иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш учун шарт-шароитлар яра- тиш имконини беради, шаффоликни таъ- минлайди, солиқларнинг давлат бюджетига ўз вақтида тушишини белгилаб беради. Солиқ мажбурияти ва уни бажаришнинг муҳим иж- тимий-иқтисодий аҳамияти давлатнинг ўз вазибаларини тўлиқ ва ўз вақтида бажари- лишини таъминлашда намоён бўлади. Мамла- катимиз солиқ қонунчилигида белгиланган солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳисоблаш, тўлаш солиқ тўловчилар- нинг мажбурияти ҳисобланади. Бу мажбу- риятларни тўлиқ ва сифатли бажаришда эса солиқ тўловчиларга кўмак бериш лозим ҳи- собланади, яъни солиқ-сервис фаолиятини

янада ривожлантириш зарурлигини англа- тади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз қу- йидаги тавсияларни берамиз:

– солиқ-сервис мутахассисларини тайёр- лашда ушбу соҳа билан боғлиқ назарий маса- лалар иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида алоҳида тартибда ўқитилиши мақсадга мувофиқ;

– солиқ тўловчилар сонининг ортиши ҳамда ҳудудларда фаолият юритаётган Со- лиқ-сервис ДУК ходими сони 1 нафар бўлган- лиги сабабли солиқ тўловчилар томонидан навбат кутиш ҳолатлари юзага келаётганлиги ойдинлашди. Шу сабабли ходимлар сонини 2 нафарга кўпайтириш орқали солиқ тўловчи- ларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатили- шига эришиш мумкин;

– солиқ-сервис хизматларидан фойдала- нишда солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ишлаб чиқилган солиқ мобил ило- васи орқали кўплаб хизматлардан фойдала- ниш мумкин, лекин бугунги кунда кўплаб со- лиқ тўловчилар солиқ мобил иловаси имко- ниятлари ҳақида маълумотга эга эмаслар. Шу боисдан солиқ-сервис хизматлари турлари ва солиқ мобил иловасидан фойдаланиш йўл- ларни ўргатувчи видеороликларни оммавий ахборот воситалари орқали доимий эфирга узатиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони.*
2. Башкирова Н.Н., Сугрובה Е.Б. *Основы налогового консультирования. Учеб. пособие. / Под ред. Л.И.Гончаренко. – М.: Магистр, 2010. – 175 с.*
3. Rose G. *Налоговое консультирование и наука. Сборник публикации. – Берлин: Изд-во “Erich Schmidt Verlag”, 2006.*
4. Андреева В. *Газета “Ведомости”, № 217 (2735), 17 ноябрь.*
5. Савчук В.А. (2013). *Svitovo'i dosvid administruvannia podatniv [Солиқ маъмуриятчилигининг жаҳон тажрибаси].*
6. Элмирзаев С. *Солиқ маслаҳати бўйича Германия тажрибаси ва унинг аҳамиятли жиҳатлари. // “Иқтисодий ва таълим” илмий журнали. 2015 йил. 2 сон. 132-136-бетлар.*
7. Ahrorov Z. *Issues of Regulation of the Economy through Taxes. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий- электрон журнали. 3-сон, июнь, 2020 йил. 12-б.*
8. *“Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони ҳамда 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3182-сонли қарори.*
9. *Servis.soliq.uz*
10. *“Халқ сўзи” газетаси (28.12.2018).*
11. *Lex.uz*
12. *Gazeta.uz*